



halol.uz

## Қарз олган киши ҳақдорнинг уйида таомланиши мумкин эмасми?

Агар бир киши иккинчисидан карздор бўлса, карз берган инсон карз олган биродарининг уйига борса, унинг уйида овкат ейиши мумкинми? Бир мажлисда: «Бундай килиш мумкин эмас», дейишди ва уй эгасига карз берган биродаримиз мажлисни ташлаб чикиб кетди. Шу тўгрими?

**ЖАВОБ (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, рохимахуллоҳ):** Бисмиллахир Рахманир Рахийм

Ушбу савол хозирги кунда жамиятимизда хукм суроётган бир нохуш холни ўзида акс эттирган саволдир. Бу – бизда Ислом таълимотини тўлаконли ўрганилмаслиги, Исломни ўрганишда пала-партишлик, ўзбошимчалик билан иш тутилиши, интизомнинг йўклиги сабабидан келиб чиккан бир нохушликдир. Китоб ёзиб ёки таржима килиб, уни бозорга чиқариш иштиёқида шариатдан хабардор ёки хабардор бўлмаган, турли савиядаги, турли маълумотдаги, турли дунёкарашдаги кишиларнинг диний китоблар оркали хам дунёвий,

хам маънавий обрў козониш каби максадларда хар хил китобларни тартибсиз равиша чикаравериши оқибатида мана шу ноҳуш холат юзага келган. Колаверса, диний китобларни бетартиб, узди-юлди килиб ўкиш хам бу нарсаларга сабаб бўлмоқда. Мазкур саволга ўхшаган саволлар анчагина бор. Баъзи бир кишилар юкорида айтилгани каби савияси паст, билиб-бilmай таснийф этилган китобларни ўкиб олиб, гоят катта тушкунликка тушганлари, шунча йилги иймон-эътиқодим нима бўлди, деган маънодаги саволларни Ўртага ташлаётганлари ва бошка шу каби холатлар жуда кенг таркалгани хеч кимга сир эмас.

Катта ёшдаги бир хожи огамиз ўзининг ниъоятда сирли гапи борлиги, ёлгиз гаплашиш кераклиги тўгрисида илтимос килиб: «Мен бир китоб ўкиган эдим, саксон ёшимгача бўлган муддатдаги иймон-эътиқодим тўгрисида шубҳага тушиб колдим, энди буёги нима бўлади, деган ташвишдаман», деб сўз бошладилар. Шунда мен: «Эҳтимол, фалон китобни ўкигандирсиз», десам, у киши: «Ха, ха, ўша», дедилар. Мен: «Ундан бўлса, ташвишингиз бехуда, у ерда бошка маънодаги гаплар сиз ўкиган каби ифодаланиб колган, шунинг учун хам сизга жуда оғир туюлиб кетган бўлса керак», деган жавобни бериб, кўнгилларини кўтариб, тўгрисини айтган бўлдим.

И мом домлаларимиздан бири баъзи бир дўстлари билан бирга кечаси, ёмгир ёғиб турган пайтда чакириб келишди. Ўтиргандан сўнг: «Масжидда бундок-бундок бўлган эди, кейин уни бундай килиб тузатдик. Лекин хозир мен мусулмонлигим колдими-колмадими, аёлим талок бўлдими-бўлмадими, шуни сўрагани келдим», дедилар. Мен у кишига билганимча тушунтириб, киши бу билан иймондан чикмаслигини, эр-хотиннинг орасига талок тушмаслигини тушунтириб бердим. Шунда у киши кўйниларидан бир китобни чикариб, очиб менга кўрсатдилар. «Мана шу ерини ўкиганимдан бери умуман уйкум хам йўқ, халоватим хам йўқ: мен кофир бўлибман, аёлим талок бўлиби, деган хаёлдаман», дея ташвиш билдирилар.

Бунга ўхшаш мисоллар жуда хам кўп. Мана, биттаси кўз олдимизда турибди. Бир одам иккинчи одамдан карз олган, карз берувчи карздорнинг уйига бошка меҳмонлар билан бирга келган ва карз бергани рўкач килиниб меҳмондорчиликдан чикариб юборилган. Карз бергани учун карздорнинг уйидан овкат ейиши мумкин эмаслиги айтилган. Буни ўша мажлисда ўтирганлар ўзларининг хаёлларидан чикариб айтишмаган. Балки, хозирги кунларда таржима килиниб, кишиларнинг кўлига етиб борган китобларнинг бирида мана шу нарса айтилган бўлган. Карз берган киши карз олганнинг таомини еса, рибоҳўр бўлади, дараҳтининг соясида ўтиrsa, рибоҳўр бўлади ва шунга ўхшаган гаплар айтилган.

Ана шунинг эътиборидан, халиги киши карздорнинг уйидан чикариб юборилган. Аслида, ўша гапларни тушуниш учун бироз зиёда илм керак, уларни ука билиш керак, ораларини фарклай олишни уddaлаш керак. Бу каби масалаларни тўғри тушуниш учун бу борада бироз тўхталишимизга тўғри келади.

Шариатимизнинг ахкомларини тушунишда фатво тарафи назарда тутилади. Яъни, зохирий кўриниш, ахкомларни ўрнига кўйиб адо этиш холатлари эътиборга олинади.

Лекин руҳий тарбия маъносида, тасаввуфнинг юкори боскичларида такво жихати эътиборга олинади, гаплар такво юзасидан гапирилади. Бунда амалнинг ички – руҳий-маънавий, ботиний ахкомлари тўгрисида гап кетади. Фатво тарафини олиш шариатнинг, фикх илмининг асоси хисобланса, такво тарафини олиш юкори даражаларга кўтарилиш, калбнинг холатини ахкомларга болжаш билан бўлади.

Буни яхши тушуниш учун, келинг, яхшиси, бир мисол келтирайлик. Тасаввуфга кўра рўза уч даражада бўлади: биринчиси: омманинг даражаси бўлиб, у авом халкнинг рўзаси

хисобланади; иккинчиси: хосларнинг рўзаси бўлиб, ўрта даражада хисобланади; учинчиси: хослар хосининг рўзаси бўлиб, бу энг юкори боскичdir.

Биринчи даражада корин ва фарж шахватини тийиш билан рўза хисобга ўтади. Демак, коринга ёки жинсий алокага оид нарсалардан ўзини тийиш билан инсон омманинг рўзасини, умумий рўзани тутган бўлади.

Иккинчи боскичда корин ва фарж шахватларидан ўзини тийиш билан бирга, кўз, кулок, оғиз, кўл, оёқ каби бошка аъзоларни хам гуноҳдан саклайди. Демак, хос рўза тутган одам фикх китобларида кўрсатилган рўза тутиш шартларига кўшимча сифатида, кўзини хам гуноҳлардан рўза туттириши керак, оғзини хам гуноҳ гаплардан, сўзлардан, гийбатдан, бўхтондан, тухматдан тийиш илига рўза туттириши керак. Кўлинин харомга узатишдан тийиб, кўлига хам рўза туттириши керак, оёгида хам, кулогига хам рўза туттириши керак ва хоказо.

Ана энди, ўша умумдан юкори турдиган хосларнинг рўзаси хакида гап кетганида, мисол учун, Суфёни Саврийдан ривоят килинишича, «гийбат рўзани бузади», дейилади. Бу, хосларнинг рўзасини тутиб, кориннинг ва фаржнинг шахватини тийиш билан бирга, кўз-кулогини, оғзи-бурнини, кўл-оёгини харомдан тийиб юрган одам бирорни гийбат килса, халиги хос рўзаси бузилади. Лекин Аллоҳ амр килган фарз рўза – умумий рўза бузилмайди, рўзаси очилди, энди еб-ичса хам бўлаверади, дейилмайди. Факат, рўзанинг камолига футур етади, савоби камаяди. Мана шу хакикатни билмаган одам ўша тасаввуф китобларидан бирини ўкиб бораётib, унда «гийбат рўзани бузади», деган гапни ўкиб колса, «и-е, мен гийбат килиб юборган эдим-ку, демак, рўзам бузилибди-да, унинг казосини туттай», деган холосага келиши мумкин. Бу эса, кўриб турганингиздек, тўгри холоса бўлмайди. Чунки, бу ерда хос рўза назарда тутилган.

Худди шунингдек, карз масаласида хам фатво ва такво жихатлари бор. Фатво жихати халол-харомлигини хал килса, такво тарафи амалнинг мукаммаллигини, савоби ва натижаси тугал бўлишини таъминлайди.

Мисол учун, бир одам иккинчисига карз берди, умумий коида бўйича, карз берувчи берган карзининг устига фойда олса, яъни: «Мен сенга бунча нарсанি карз бераман, кайтараётганингда устига бунча кўшиб берасан», деб шарт кўйса, олгани рибо бўлади, бу иши судхўрлик бўлади, гуноҳ, харом хисобланади. Аммо, карз олган одам карзини адо килаётib олган нарсасидан кўра яхширок шаклини кайтариб берса, рибо бўлмайди.

Бунга далил Набийимиз алайхиссаломнинг бир феълий суннатлариридир.

Набий алайхиссалом бирордан бир хайвонни карз олдилар, муддати келганда халиги карз берувчи келиб: «Мендан олган карзингизни кайтариб беринг», –деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам сахобаларга: «Каранглар, бизнинг хайвонлар ичидан бу одамдан олган карзимизни кайтариб беринглар», –дедилар. Сахобалар истаб, караб, худди ўша одамдан олинган хайвон сифатига эга бўлган хайвон хозир у ерда йўқ эканини, аммо ундан яхшироги борлигини айтганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ўша яхисини беринглар, карзни кайтараётганида яхширогини кайтариш керак», деган маънодаги гапни айтганлар.

Демак, Набийимиз алайхиссалом олган карзларини кайтариб бераётib, олганларидан кўра яхширок нарсани берганлар ва буни рибо хисобламаганлар. Шу боис, уламолар бундай молни харом демаганлар.

Энди, тасаввуф тушунчасида, юкори ахлокий савияда, такво тарафини олганда, карздордан умуман хеч кандай фойда кўрилмаса, савоб тўлиқ бўлади, деган маъно олга сурилиб, «карздорнинг уйида овкат еса, рибо бўлиб колади, дарахтининг соясида

ўтирса, рибо бўлиб колади», каби гаплар айтилади. Бу маънодаги сўзлар ана ўшандай юкори савияда юриб, юксак даражаларга эришиш харакатида бўлган кишиларнинг макомларига мос равишда, уларнинг ўзлари тушунадиган истилоҳда ифода килингандир. Мана бу хакикатни нихоятда яхши тушунишимиз керак.

Албатта, хар бир мўмин-мусулмон banda таквога интилиши, юксак макомларга етишга харакат килиши, кўпроқ ажр-савобларга эга бўлишга уриниши керак. Аммо, биз айтмокчимизки, хар бир гапни тушунишда ундан кўзда тутилган маънога эътибор бериш, маълум маънода айтилган гапни умумлаштирумаслик лозим.

Китоб чикармокчи ёки таржима килмокчи бўлганлар ундаги хар бир сўзга алоҳида эътибор каратишлари керак. Одамлар ўртасида ихтилофга, келишмовчиликка, тушунмовчиликка сабаб бўладиган нарсалардан эҳтиёт бўлишлари лозим. Баъзи бир ана шундай тушунчалар бўлса, биладиганларга кўрсатиб, муаммо келтириб чикармайдиган килиб изохлаб беришлари даркор.

Халкни кийнаш керак эмас, динини ўрганиб келаётган мусулмонларга улар тушунмайдиган, гариб бўлган фикрларни, ахкомларни хеч кандай тушунтиришсиз, изохсиз тақдим килмаслик керак. Одамлар орасида ихтилоф чикаришдан, мана бу саволга ўхшайдиган хар хил холатларга сабаб бўлишдан мусулмонлар учун хеч кандай манфаат йўк.

Ўрни келганда мухтарам китобхонларимизга шуни хам таъкидлаб ўтмокчимизки, китоб ўкийдиган бўлсаларингиз, аввал китобнинг ўзи кандай китоб эканини яхшилаб ўрганишга харакат килинглар. Китобнинг муаллифи кимлигини, хакикий олимми, халк эътиборини козонган, уламоларнинг тахсинига сазовор бўлган зотми ёки кандайдир бошка касбда юриб, бу соҳага бир ўйссасини кўшмокчи бўлган ёки обрўсини орттириш учун харакат килаётган кишими, агар китоб таржима бўлса, таржимон ким, диний таълим олган одамми ёки диндан бехабар, факат тил билади, холосми – буларнинг хаммасини яхшилаб ўрганиб, кейин китобни ўкинглар.

Шунингдек, китобнинг муаллифи кайси соҳа мутахассиси экани, факихми ё мухаддисми, муфассирми ё мутасаввифми, тарихчими ё шаркшуносми, бунга хам эътибор бериш лозим. Валлоҳу аълам.